

«ГУЛИСТОН» ШАРҚ ПЕДАГОГИКАСИНИНГ МУҲИМ МАНБАИ

Абдурахимов Юсуф Анасович

Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти,
“Ҳадис ва ислом тарихи фанлари” кафедраси мудири,
Тошкент шаҳри +998913524773

Анотация: Шарқ маънавияти ва ахлоқ таълимотида ўзига хос ўринга эга бўлган асарлардан бири — форс-тожик адабиётининг йирик намоёндаси Саъдий Шерозийнинг “Гулистон” асаридир. Бу асар нафақат адабий, балки педагогик аҳамиятга ҳам эгадир. Унда келтирилган ҳикматлар, қиссалар ва ҳаёт ҳақидаги фикрлар Шарқ халқларининг таълим-тарбияга бўлган ёндашувини, ахлоқий қадриятларини ва инсоний фазилатларга асосланган дунёқарашни ёрқин ифодалайди.

“Гулистон”даги таълимотлар инсонни ҳар томонлама тарбиялаш — ахлоқий, маънавий, ҳатто ақлий ва руҳий камолотга етказиш мақсадида берилган. Унда устоз ва шогирд ўртасидаги муносабатлар, яхши хулқ, адолат, сабр-тоқат, меҳр-шафқат каби тарбиявий тушунчалар бадиий ифода топган.

Калит сўзлар: Гулистон, Бўстон, Саъдий, Гулзор, Девони фоний, Жомий, Баҳористон, Хористон, Огаҳий.

Abstract: One of the works that occupies a special place in the teachings of Eastern spirituality and morality is the work "Gulistan" by the great representative of Persian-Tajik literature Saadi Shirazi. This work has not only literary, but also pedagogical significance. The wisdom, stories and thoughts about life presented in it vividly express the approach of the peoples of the East to education, moral values and a worldview based on human virtues. The teachings in "Gulistan" are given with the aim of comprehensively educating a person - to bring him to moral, spiritual, even intellectual and spiritual perfection. It artistically expresses such educational concepts as the relationship between a teacher and a student, good character, justice, patience, and compassion.

Key words: Gulistan, Bostan, Saadi, Gulzor, Devoni fany, Jami, Baharistan, Horistan, Ogahi.

Шарқ маънавияти ва ахлоқ таълимотида ўзига хос ўринга эга бўлган асарлардан бири — форс-тожик адабиётининг йирик намоёндаси Саъдий Шерозийнинг (1203-1292) “Гулистон” асаридир. Бу асар нафақат адабий, балки педагогик аҳамиятга ҳам эгадир. Унда келтирилган ҳикматлар, қиссалар ва ҳаёт ҳақидаги фикрлар Шарқ халқларининг таълим-тарбияга бўлган ёндашувини, ахлоқий қадриятларини ва инсоний фазилатларга асосланган дунёқарашни ёрқин ифодалайди.

“Гулистон”даги таълимотлар инсонни ҳар томонлама тарбиялаш — ахлоқий, маънавий, ҳатто ақлий ва руҳий камолотга етказиш мақсадида берилган. Унда устоз

ва шогирд ўртасидаги муносабатлар, яхши хулқ, адолат, сабр-тоқат, меҳр-шафқат каби тарбиявий тушунчалар бадий ифода топган.

Саъдий асарлари қадимдан ўзбек халқи орасида ҳам машҳур. «Бўстон» ва «Гулистон» асарлари мадрасаларда асосий дарсликлар сифатида ўқитилиб келган. Бу таълимий асарда ёзувчи ўз давридаги энг муҳим ва катта-катта сиёсий, иқтисодий воқеаларни акс эттиради. У ахлоқий нормаларни талқин этар экан, ўша давр кишиларининг хилма-хил образларини яратади.

«Гулистон» асаридаги ҳикоялар, тамсиллар, ҳикмат ва насихатлар энг аввало ҳаётийлиги ва ҳаққонийлиги билан китобхонларни ҳамиша ўзига жалб этиб келган.

Донишманд шоир кўп ўқиб, кўпни кўриб, «ақолимни кезиб» (А. Навоий) кўрган ва билганларини назм ва насрда юксак бадий маҳорат билан баён қилиб берган. Асардаги ҳикоялар билан боғлиқ келтирилган оят ва ҳадислар ўша ҳикояларнинг таъсир даражасини ошириш билан бирга, ўқувчиларнинг имон-эътиқодини мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилган.

Мумтоз шоирларимиз бу улуғ сўз санъаткоридан ўрганганлар ва таъсирланганлар. Алишер Навоийнинг «Маҳбуб ул-қулуб», Хожанинг «Гулзор», Абдулла Авлонийнинг «Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ»¹⁶ асарлари бевосита Саъдий «Гулистон»и таъсирида яратилган. «Девони Фоний»да Саъдий ғазалига 22 та татаббуъ¹⁷, унинг таврида 4 та ғазал мавжуд. Чунончи, Навоийнинг Саъдий ғазалига ёзган бир татаббуъсида ўқиймиз:

Фоний, ба раҳи Саъдий агар зад кадаме чанд,

Бо ў суханаш бин, ки чу ширу шакар афтод.

Мазмуни: «Фоний Саъдий йўлида бир неча кадам ургани учун ҳам сўзлари сут ва шакар қўшилганидек ширин бўлди»¹⁸.

«Куллиёт»га киритилган бадий асарлар ичида энг машҳурлари 1257 йилда ёзилган «Бўстон» ва 1258 йилда ёзилган «Гулистон» асарларидир. «Гулистон» ўзига хос дидактик ҳикоялар ва шеърый афоризмлар тўпламидир. Китоб 8 бобдан иборат. Форс-тожик прозасининг классик намунаси бўлмиш бу асар соддалик, оригинал гўзаллик ва воқеликни тўғри ёритиш билан китобхонни мафтун этади.

Жаҳонгашта шоир ўз ҳаётида кўрган, билган воқеаларни баён этиб, улардан ахлоқий хулосалар чиқаради. Баъзи ҳикоялардаги диний ва тасаввуфий ғоялар, қиссадан ҳиссалар инсоннинг имон ва исломга бўлган муҳаббатини оширади, унинг маънавий мақомнинг юксалишига ижобий таъсир кўрсатади. Ундаги қисқа-қисқа ҳикояларда дунё- дунё маъно бўлгани учун ҳам бу китоб жаҳон адабиётининг олтин фондига кирган.

¹⁶ Абдулла Авлонийнинг мазкур асари 1913 йилда Тошкентда литографик (тошбосма) усулида нашр этилди. Асар бундай дарсликка бўлган эҳтиёжни ҳисобга олиб 1917 йилда иккинчи марта чоп қилинди. Ҳар икки нашр ҳам ҳажм жиҳатидан бир-бирдан фарқ қилмайди. Фақат биринчиси котиб Абдусалом Абдурахмон ўғли, иккинчиси котиб Абдул Маннон ибн Абдулмажид (ўзбек миллий театрининг машҳур актёри Маннон Уйғур Мажилов) дастхатидир. «Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ» нинг учинчи нашрини 1967 йили «Ўқитувчи» нашриёти амалга оширди. Бунда асарда учраган диний иборалар ва ҳадисдан олинган ҳикматлар давр талабига кўра тушириб қолдирилди. Асарни «Ўқитувчи» нашриёти 1992 йил асл нусха ёзувида (араб ёзуви асосидаги ўзбек ёзувида) ва рус алифбоси асосидаги ўзбек ёзувида ўтирилган матни билан бирга, шунингдек қийин сўзлар лўғати илова қилинган ҳолда босиб чиқарилди.

¹⁷ "Татаббуъ- луғавий маъноси бирор нарсанинг кетидан тушиш изидан боришини англатади. Адабиётшуносликда бирор шеърдан таъсирланиб, ундаги вазн, кофияни (радиф бўлса уни ҳам) сақлаган ҳолда асар ёзиш, баъзан шундай шеърларни ўхшатма, жавобия, назира ҳам дейдилар.

¹⁸ Саъдий Шерозий. Ҳикматга тўла олам. – Тошкент: Шарқ, 2007. – Б. 23.

«Гулистон» ўз давридаёқ шуҳрат топиб, унга ўнлаб луғат ва шарҳлар ёзилди, мактабларда асосий ахлоқ дарслиги сифатида ўқитилди. Ҳазрат Навоийнинг «Лисон-ут-тайр»идаги қуйидаги мисралар фикримиз далилидир:

Ёдима мундоғ келур бу можаро,
Ким тупулият чоғи мактаб аро.
Истобон машҳиси хомур, устод,
Назм ўқутурким, равон бўлсун савод.
Насрдин баъзи ўқур ҳам дoston,
Бу «Гулистон» янглиғу ул «Бўстон»¹⁹.

Адабиётшунослар наздида форс-тожик классик поэзиясининг энг порлоқ асари Фирдавсий²⁰нинг «Шохнома»си²¹бўлса, насрий асарларнинг энг баржастаси «Гулистон» хисобланади. Бу таълимий асарда ёзувчи ўз давридаги энг муҳим ва катта-катта сиёсий, иктисодий воқеаларни акс эттирар, ахлоқий нормаларни талқин этар экан, ўша давр кишиларининг хилма-хил образларини яратадики, бу образларнинг умумлаштирувчи кучи ҳам, таъсир доираси ҳам шоирнинг ўз юрти ва даври чегарасидан чиқиб кетади. Унинг илғор орзулари умумбашарият орзулари билан ҳамоханг. Шунинг учун ҳам бу асар жаҳон адабиёти дурдоналари қаторидан жой олган. «Гулистон» форс-тожик дидактик адабиётининг чуққиси хисобланади.

У панду-насихат ва одоб-ахлоқ китоби сифатида шуҳрат қозонган. Умрининг кўп қисмини саёхатларда ўтказган, кўп халқлар, миллату элатлар хаётини кузатган, турли табақа кишилари билан мулоқотда бўлган Саъдий кўрган кечирганларини, хаётий тажрибасини умумлаштириб, уларни юксак бадий шаклда, қисқа-қисқа, аммо ғоят ширали, таъсирчан мусажжаъ насрий жумлалар ва шеърый байтлар билан зийнатлаб, ўзига хос ҳикоялар тўпламини яратган. Уларда донишманд бир ҳаким инсоннинг заковати, насихатлари ҳам, енгил ҳазил мутойиба, лутфу нуктадонлиги ҳам, хистуйғуларга лиммо-лим шоирона маҳорати ҳам мужассам.

Шу сабабли ҳар хил тоифадаги, турли таъбли одамлар “Гулистон”дан баҳра ола биладилар.

“Бўстон” ва “Гулистон” хаётий ҳикоялардан ташкил топган, донишманд шоирнинг бу ҳикоялар сўнгида қиссадан ҳисса тарзида келтирган шеърлари реал турмушдан чиқарилган хулосалар эканлиги билан ҳам жаҳон илму адаб аҳлини бирдай ўзига тортиб келмоқда. «Гулистонга» эргашиб кўплаб асарлар ёзилган, лекин улардан фақат 3 таси: Абдурахмон Жомийнинг «Баҳористон»и, Мажиддин Хофийнинг «Хористон»и, Ҳабиб Қоонийнинг «Паришон»и шуҳрат қозонган²².

¹⁹ Саъдий Шерозий. Гулистон. – Тошкент: Фан, 2005. – Б. 6.

²⁰ Абўлқосим Фирдавсий 941 йилда Хуросоннинг ҳозирги Эрон Ислому Республикаси ҳудудидаги Тус шаҳри яқинидаги Бож қишлоғида деҳқон оиласида туғилган. Ҳозир Тус шаҳри Фирдавс деб юритилади. Отаси Тус хокимининг «Фирдавс>>, яъни «Жаннат» номли боғбони бўлган. Отасининг вафотидан сўнг шу боғда боғбонлик қилади ва тахаллус сифатида ўзига шу боғ номи танлайди. 1025 йилда ўз ватанида вафот этади.

²¹ Дастлаб Сомоний амирлар бухоролик шоир Дақиқийга «Шохномаи Мансур» асари асоснда шеърый «Шохнома» ёзишни топширадилар. У минг байтдан иборат «Гўштасп» дostonини ёзганда ўз қули томонидан ўлдирилади. Шундан сўнг сомоний амира Нух ибн Мансур Абулқосим Фирдавсийни Бухорога чақиради ва бу ишни давом эттиришни унга топширади. Фирдавсий 30-35 йил ижод қилиб, «Шохнома»ни тугатади. Аммо асар тугаганда сомонийлар давлати емирилиб, қорахонийлар ва ғазнавийлар давлати барпо бўлган эди. Фирдавсий бир неча йил кутгандан кейин Махмуд Ғазнавийга бағишлов ёзиб, асарни унга тортик қилди.

²² Саъдий Шерозий. Ҳикматга тўла олам. – Тошкент: Шарк, 2007. – Б. 12.

Гулистон XVII асрнинг биринчи ярмидаёқ Европа тилларига таржима қилиниб, тарқала бошлаган. У илк бор француз дипломати Андре Риё томонидан француз тилига ўгирилиб, 1634 йили Парижда нашр этилган. Бу таржима жуда эркин бажарилган ва мукамал бўлмаса-да, кўпчиликнинг эътиборини тортади. 1635 йили асар француз тилидан немис тилига таржима қилинган. Шундан кейин бошқа ғарб тиллари, шунингдек рус тилига ҳам угирилган. Гулистон рус тилига кўп марта таржима қилинган. Булар орасида А.Козимбек (1829), С. Назарянц (1857), К. Ломбарс (1862), И. Ҳолмоғоров (1882), Е. Э. Бертадьс (1922) таржималари бор²³. СССРФанлар академияси Шарқшунослик институтида Рустам Алиев томонидан «Гулистон»нинг танқидий текста тайёрланди ва шу текст асосида бадиий таржималар(1957) (1959) йиллари босилиб чиқди. Маълумки, наср ва назм аралаш халқона услубда ёзилгани, ривоят, нақл, ҳикматга бойлиги билан катта шуҳрат қозонган «Гулистон» асари ўзбек тилига бир неча марта таржима қилинган.

Бу асарни 1390-1391 йилларда XIV аср ўзбек адабиётининг йирик намояндalarидан бири Сайфи Саройи²⁴ ўзбек тилига биринчи бўлиб таржима қилиб, ярим оригинал, фалсафий-ахлоқий «Гулистон би-т-туркий» асарини яратган (Миср). У бу асарини Миср амири Батхас бекка бағишлаган²⁵. Сайфи Саройи дўстлари ва маслакдошларининг даъватига кўра, «Гулистон»ни ўзбек тилининг қипчоқ шеvasига ўгиради. У асарнинг аслини сақлаб қолган, айти пайтда, аслиятдан бир қадар чекинган. Бу давр омили билан ҳам боғлиқ: ўрта асрларда таржимага бирмунча эркин ёндашилган- таржимоннинг асарни қисқартириш, ўзгартириш, ҳатто унга қўшимча қилиши мумкин бўлган. У асарнинг асосий маъзини олиб, уни замона руҳини ва маҳаллий муҳитни акс эттирувчи янги ҳикоялар, қитъа ва байтлар билан тўлдиради.

Сайфи Саройи ҳам таржима жараёнида «Гулистон»даги айрим парчаларни тушириб қолдиради, баъзи шеърларни ижодий қайта ишлайди, ўзининг ва замондош шоирларнинг баъзи шеърларини киритади, айримларини таржима қилмай, ўз ҳолича қолдиради. Шунга қарамай, таржима муваффақиятли чиққан ҳамда асрлар мобайнида туркий халқларни Саъдий ижоди билан таништириш ва донишманд шоирнинг маънавий-ахлоқий қарашларини тарғиб қилишда муҳим рол ўйнаган.²⁶

Сайфи Саройи «Гулистон»идаги ҳикоялар қуйидаги бобларга бўлинган: Биринчи боб - султонлар ҳақидаги ҳикоялар. Иккинчи боб - фақирлар ахлоқи ҳақидаги ҳикоялар. Учтинчи боб - қаноатнинг фойдаси ҳақидаги ҳикоялар. Тўртинчи боб - сукутнинг фойдаси ҳақидаги ҳикоялар. Бешинчи боб - ишқдаги йигитлик сифати ҳақидаги ҳикоялар. Олтинчи боб - қариликдаги заифлик сифатлари ҳақида. Еттинчи боб - тарбиянинг таъсири ҳақида. Саккизинчи боб - суҳбат одоблари ҳақида.

²³ Саъдий. Гулистон. Форсчадан шеърларни Ғафур Ғулом ва Шоислом Шомухамедов таржима қилган. – Тошкент: Ғ.Ғулом. 1968. – Б. 109.

²⁴ Сайфи Саройи (1321. Хоразм вилояти Сарик қамиш қишлоғи 1398. Искандария) шоир таржимон. Марказий Осиёда мугуллар истилоси даврида яшаган, ўз ватанини тарқ этишга мажбур бўлган. Умри дарбадарликда кечган, кейинчалик олтин Ўрда (Сарой шаҳри) (Шоир шу ерда яшаб турган даврида «Саройи» деган тахаллусини олган), Миср ва Туркияда яшаган. Сайфи унинг исми бўлиб, «Қилич» деган маънони билдиради. Форс, араб тили, адабиёти, тарихи ва халқ оғзаки ижодини мукамал ўрганган, лирик шоир, қасиданавис, эпик достончи ва таржимон сифатида танилган.

²⁵ Тўхлиев Бокижон. Адабиёт. – Тошкент: Ўқитувчи, 2004. – Б. 175.

²⁶ Саъдий Шерозий. Ҳикматга тўла олам. - Тошкент: Шарқ. 2007. - Б. 26.

Асар 8 боб, ҳар бир бобда ҳикоялар бор, ҳикояларнинг кўпчилиги дидактик²⁷ мазмунда. Ҳар бир ҳикоянинг охирида масал ёки фалсафий чекинишлар мавжуд. Саъдий «Гулистон»и таржимасига киритилган оригинал шеърий парчалар, масаллар, тўртлик байтлар, маснавийлар Сайфи Саройининг қаламига мансуб бўлиб, шоирнинг мулоҳазаларини тасдиқлаш учун хизмат қилган.

Асар катта адабий ёдгорлик қадимги туркий тилни ўрганишда ҳам муҳим манбадир. Унинг ягона қўлёзмаси Голландиядаги Лейден университетида (инв. № 1355), фотонусхаси Москва ва Тошкентдаги Ўзбекистан ФА Шарқшунослик институтида сақланади.²⁸

XIX асрда «Гулистон» Хива хони Муҳаммад Раҳимхон II - Феруз топшириғи билан забардаст шоир ва мохир мутаржим Муҳаммадризо Огаҳий томонидан иккинчи марта ўзбек тилига таржима қилинади. Асарни бир мунча қисқартириб таржима қилгани, чунончи, 187 ҳикоядан 25 тасини қолдириб кетгани, 1000 га яқин шеърий парчалардан 522 байтини шеър билан ўгириб, қолганини насрлаштиргани, бир қанча арабий матнларни ўзбеклаштирмаганига қарамай, «Огаҳий Саъдий Шерозий ҳикояларининг бадиий таровати, руҳини ўқувчига етказди. Саъдий сажълари ихчам, лекин лўнда афористик жумлаларда тузилган насри, қитъа ва рубойлари, сер оҳанг, жарангдор ифодалари Огаҳий таржимасида ўзбекча нафосат билан акс этган».

«Гулистон»нинг учинчи таржимаси Тошкентлик мударрис ва шоир Мулло Муродхўжа Солиххўжа ўғли қаламига мансуб бўлиб, у «Шавқи Гулистон» деб аталган. Ҳижрий 1327 (милодий 1909) йилда Тошкентдаги Ғуломҳасан Орифжонов матбаасида «Шавқи Гулистони мусаввар» номли китоб чоп этилди. Китобдаги «Сабаби таржимаи Гулистон» деб номланган сўзбошидан маълум бўлишича, бу «саҳофийнинг мунаққаш ва авроқнинг мураққаш».

Муродхўжа бин ал-ҳож Солиххўжаи Тошкандий» экан.²⁹ Ушбу таржима мактаб ва мадраса талабаларига мўлжалланган бўлиб, Туркистон мактабларида ўз она тилимизда ёзилган мукаммал «Ахлоқ» китобининг йўқлиги, афроди миллатнинг шундай бир асарга ташна ва муҳтожлиги (Абдулла Авлоний) Мулло Муродхўжани «Гулистон»ни таржима қилишга ундайди. «Гулистон» нинг ўзбекча таржималари орасида (ҳатто XX асрда қилинган таржималарни кўзда тутганда ҳам) «Шавқи Гулистон» тўлиқ таржимадир³⁰. Мулло Муродхўжа «Гулистон» таржимасига киришар экан дастлаб унга тузилган ўнлаб луғат ва шарҳлар жумладан, «Фарҳанги Гулистон», Муҳаммадақрам Мултонийнинг «Тозии лиҳозо»си, Суъдий, Ғиёсиддин Нурулло Аҳрорий, Сирожиддин Алихон Орзу, Абдулло Лоҳурий шарҳлари, Сарвари Кошонийнинг арабча шарҳи ва бошқалар билан танишиб, улар асосида аслиятнинг ўзига хос илмий танқидий матнини ҳам тузиш билан таржима учун мукаммал матн тузган.

²⁷ Дидактика сўзи юнонча didakticos-ибратли, сабоқ бўладиган, насихатомуз» сўзидан олинган.

²⁸ Миллий инциклопедиёси. 8-жилд. – Тошкент. ЎЗМЕ, 2002. – Б.433.

²⁹ Мазкур асар. – Б. 312.

³⁰ Саъдий Шерозий. Гулистон. Мулло Муродхўжа таржимаси. – Тошкент: Фан, 2005, – Б. 6.

«Шавқи Гулистон» нинг тошбосма нухасида аввал чиройли йирик настаълик хатида форсий матн, остига кичикроқ ҳарфларда сўзма-сўз туркий таржима берилган. Саҳифа ҳошияларида тушунилиши қийин бўлган арабий-форсий сўз, ибора ва шеърлар изоҳланган. Китоб мазмунга мувофиқ Сирожиддин Сидқий Хондайлиқий³¹ чизган саксондан ортиқ суратлар билан ҳам безатилган. Мулло Муродхўжанинг асосий мақсади «Гулистон» ни бадий таржима қилишгина бўлмаган. У асрлар давомида мактабларда ўқитилиб келинган «Гулистон» ни ўзбек тилига таржима қилар экан, мактаб ва мадраса талабаларини кўзда тутиб, таржимани иложи борица соддалаштиришга интилган. Соддалаштиришдан мақсад эса тушунарлилик эди. Тушунарликка эришиш учун мутаржим кўпинча арабий ва форсий сўз ҳамда ибораларни ўз ҳолича сақлаб қолиб, уларга изоҳ берган. Бу эса, ўз навбатида тил ўрганиш нияти ҳам кўзда тутилганидан далолат беради. Мутаржимга Тошкентда яшаб турган шоирлар ёрдам беришган.

Мисол учун, Камий кўлёмалари орасида «Шавқи Гулистон» учун таржима қилиб берган 17 та шеърини парчалар учрайди. Шоирнинг ўзи бу ҳақда шундай ёзади: «Толиби ашъор асҳоблардан бирлари илтимос ва илтижоси билан жаноби Шайх Саъдий бузруквор алайҳир-рахманинг «Гулистон» ном китоблариндан ушбу форсий абётларини забони туркийга таъбир қилмоқга мажбур бўлдим. Нуқсониди авф мустаржодир. Вассалом. (Камий. Афаллоху таоло анху)». Мутаржимнинг ўзи нечта шеър таржима қилганлиги маълум эмас.

Ўзбек тилига ўгирилган шеърларнинг савияси турли хиллигидан мутаржимга бошқа шоирлар ёрдам беришгани маълум бўлади. Таржима охирига ёш китобхонни асар муаллифини таржимаи ҳолидан хабардор қилиш мақсадида Шайх Саъдийнинг таржимаи ҳоли ҳам илова қилинган.³² Лекин сўзма-сўз таржима принципи устунлиги ва бадий савияси баланд бўлмаганлиги туфайли бу таржима унча шуҳрат қозонмаган. Албатта, Саъдий Шерозийга ўхшаган жаҳон адабиёти забардаст намояндаларининг дурдона асарларига ҳар бир даврнинг ўз талаби, ҳар бир ўқувчининг ўз эҳтиёжи бўлади. Бу янги таржималар ва нашрларни зарур қилиб қўяди.

1968-йили Гулистоннинг тўртинчи таржимаси босилиб чиқди. Асардаги шерларни Гофур Гулом ва Шоислом Шомухамедов, наср қисмини Рустам Комиловлар ўзбекчалаштирди.³³

Хулоса қилиб айтганда, Саъдий Шерозийнинг «Гулистон» асари Шарқ педагогик тафаккурининг юксак намунаси бўлиб, унда ахлоқий тарбия, инсонпарварлик, илмга ҳурмат, устоз-шогирд муносабатлари каби педагогик тамойиллар чуқур акс этган. Асарда баён этилган насиҳат ва ҳикматлар бугунги замонавий таълим тизими учун ҳам долзарб бўлиб, ёш авлодни баркамол инсон этиб тарбиялашда бебаҳо манба вазифасини ўтайди. «Гулистон» нафақат адабий ёдгорлик, балки педагогик ғоялар хазинаси сифатида Шарқ таълим анъаналарининг муҳим пойдеворларидан бири ҳисобланади.

³¹ Сидқий Хондайлиқий (тахаллуси: асл исм-шарифи Сирожиддин Махдум Мирзоҳид Охунд ўгли 1884-ҳозирги Бўстонлик тумани Хондайлик кишлоғи 1934) шоир, хаттот, таржимон.

³² Саъдий Шерозий. Гулистон. Мулло Муродхўжа таржимаси. – Тошкент: Фан, 2005. – Б.10.

³³ Саъдий Шерозий. Ҳикматга тўла олам. – Тошкент: Шарқ, 2007. – Б.28.